

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/5 ✧ 2018



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✧ АСТА NUUZ

Қуназарова Ш.М. Қорақалпоқ халқ эртақларидаги урф-одат ва удумларни лингвомаданий ўрганиш масаласи	430
Мирзажонов А.Х. Публицистик нутқ ва унинг таъсирчанлигини ошириш омиллари (Воиза Турсуной Содикова нутқлари мисолида)	433
Муратова Н.Ф. Инфографика визуал коммуникация воситаси сифатида: шаклланиши, тушунчаси, аудиторияга таъсири	439
Мустафаева С.Т. “Уч шоҳлик” романида қўлланган биринчи шахс кишилиқ олмошларининг семантик ва стилистик хусусиятлари	442
Narmonov A.X. Badiiy adabiyotda qollanuvchi ba’zi she’riy san’atlar izohi	444
Нурутдинова М. Онлайн журналистика медиа компетенцияси таҳлили	447
Расулмухамедова Д.З. Ҳикоя жанри ва структурал таҳлил ёки ёндошув (“Ў.Ҳошимовнинг “Шпана” ҳикояси мисолида)	450
Rahmonov N. “Navoiy asarlari lug’ati” va shevalar leksikasi	453
Rsaliev A. Problems of becoming Scott Fitzgerald’s creative method of writing	455
Рузиева З.М. Реализация категории вида глагола в русском и узбекском языках	458
Рўзикулов Д.Ш. Журналистикада интервью коммуникациянинг етакчи усули сифатида	461
Tosheva N. “Jaziramadagi odamlar” romanida olqish va qarg’ishlarning badiiy vazifasi	465
Умарова М. Валтер Скот ижодида тарихий романнинг ўзига хослиги	469
Umirzakov U.S. Mevachilik terminlarining affiksatsiya usuli bilan yasalishiga doir mulohazalar	473
Усмонов Ғ.М., Жўраева З.Ш., Дўлтаева Н. Салих бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг киёсий таҳлили	475
Fayzieva N.SH. Importance of development of written speech in literature teaching methodology	477
Фузаилова Г.С. Информационная природа смены парадигм в образовании	480
Ҳакимова М.К. Абстракт отларни таснифлаш мезонлари	483
Ҳамдамов Ю. Радионинг олий таълим ўқув жараёнига ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этишдаги ўрни ва аҳамияти	487
Шарипова Н. Шарқ адабиётида нўширавон образининг тадрижий такомилли	492
Юнусова Д.А. Ғафур Ғулوم киссаларида қўлланган фразеологизмлар ҳақида	495
Досбаева Н.Т. Фразеологизмлар таржимасининг киёсий таҳлили: лингвомаданий ёндашув	497
Холматова В.Н. Модаллик маъносининг нутқий тузилма мазмунидаги ўрни	500

АБСТРАКТ ОТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ҳақимова М.К. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада абстракт отларнинг таснифлаш мезонлари таҳлил қилинган. Бунда жаҳон тилишунослигидаги абстракт отларни таснифлашга оид илмий ишлар таҳлил қилинган ва улар илгари сурган мезонлар ўрганилган. Жаҳон тилишунослигидаги тажрибага асосланиб ва тилимизнинг ички имкониятларини ҳисобга олиб ўзбек тилидаги абстракт отлар таснифи амалга оширилган. Мазкур таснифни амалга оширишда семантик омилга асосланган. Унга кўра, абстракт отлар қуйидаги гуруҳларга ажратилган: «белги», «ҳолат», «ҳаракат», «муносабат», «фаолият» маъноли ҳамда этик-эстетик меъёрлар ва метатушунчаларни номловчи абстракт отлар.

Калит сўзлар: абстракция, абстракт отлар, таснифлаш, таснифлаш мезони, семантик омил, формал омил, лексик-семантик гуруҳ, абстрактлик шкаласи, абстрактлик даражаси.

От сўз туркумининг бошқа туркумлардан фарқи ўзига хос хусусиятларидан бири кўплаб маъновий гуруҳларга эгалигидир. Чунки чексиз турфа олам ва бесарҳад инсон тафаккурининг ташкил этувчиларини номлаш натижаси ўларок от сўз туркумидаги сўзлар ҳам бир-биридан турли жиҳатлари билан фарқланади ва ўзига хос белгилари асосида алоҳида гуруҳларни шакллантиради.

Шундай гуруҳлардан бири *яхшилик, орзу, умид, маънавият, бахт, шодлик, фаросат* каби абстракт отлардир. Абстракт отлар бир қатор ўзига хосликлари билан ажралиб туради. Абстракт отлар объектдан ажратилган белгини[1] алоҳида субстанция сифатида номлайди. Улар атаётган моҳиятлар бевосита кузатишда берилмаган, ақлий билиш орқали англонадиган гносеологик, номоддий, шаклга, маконга ва чегарага эга бўлмаган моҳиятлардир. Абстракт отларда «предмет» архисемаси мавжуд бўмайди. Уларнинг семантик структурасида конкрет номларда учрамайдиган «белги», «ҳолат», «ҳаракат», «муносабат», «фаолият» каби семалар мавжуд бўлади.

Абстракт отлар «ажратилганлик», «кузатишда берилмаганлик» интеграл семалари асосида алоҳида лексик-семантик гуруҳни ташкил қилади. Мазкур гуруҳнинг ўзига хосликларидан бири шундаки, элементларининг таркиби бир жинсли эмас. Шунга кўра, жаҳон тилишунослигида абстракт номларни таснифлашнинг турлича кўриниш ва тизимлари мавжуд. Таснифлашнинг ҳар бир турида ҳар хил метод ва омилларга таянилади.

Абстракт отларни таснифлашдаги энг дастлабки уринишлар улардаги сўз ясалиш асосига кўра ўтказилган. Маълумки, абстракт отларнинг салмоқли қисми ясама сўзларга тўғри келади. Сўз ясалиш асосига кўра абстракт номлар феъллардан ясалган (изланиш, севинч), сифат ва равишдан ясалган (донолик, тезкорлик), отдан ясалган (дўстлик) абстракт отларга бўлиниши мумкин. Абстракт отларнинг яна туб ва ясама сўзларга ажратиш кўплаб ишларда учрайди[2].

Абстракт отларнинг саналиш ёки саналмаслик белгиси асосида жаҳон тилишунослигида бир қанча ишлар бажарилган. Унга кўра абстракт отлар саналувчи ва саналмайдиган гуруҳларга ажратилади. Айрим тадқиқотчилар сон категориясининг кўплик шаклини қабул қила олиш ёки қила олмаслиги мазкур сўзларнинг абстракция даражаларини белгилайди, деган фикрни илгари

сурадилар. Бундай фикр жумладан, Соколованинг инглиз тил материали асосидаги тадқиқотида баён қилинган бўлиб, муаллиф ушбу белги асосида абстракт отларнинг шартли 3 та гуруҳини илгари сурган. Улар: 1) *кураш, уруш, инқилоб* каби абстракция даражаси паст сўзлар. Мазкур гуруҳ элементлари грамматик кўплик шаклини эркин қабул қила олади; 2) абстракциянинг ўртача даражасини билдирувчи *ташвиш, қурқув, севги* каби сўзлар; 3) абстракциянинг юқори чўққисини ифодаловчи *ҳайрат, газаб, ҳайронлик* каби от лексемалар[3]. Бу гуруҳ элементлари кўплик кўрсаткичини умуман қабул қила олмайди. Кўриниб турибдики, тилшунос абстрактлик даражаларини сўзларнинг кўплик шаклини қабул қила олиш ёки олмаслиги нуктаи назаридан ажратган.

Абстракт сўзларнинг абстракциялаш даражаси нуктаи назаридан тасниф қилиш мазкур гуруҳларни майдон сифатида ўрганишда, майдоннинг маркази ва қуршовларини аниқ белгилашда аҳамиятлидир. Соколова[4], Коломийцева[5], Чернейко[6] каби тилишунослар абстракт номларни уларнинг ажратилганлик даражасига кўра шкаласини тузишга ҳаракат қилганлар. Ажратилиш бу белгининг субстанциядан айириш, улар ўртасидаги боғлиқликлардан узоқлашиш бўлса, тил сатҳида ажратилиш даражаси ёки абстракция даражасини белгилаш белги ва субстанция ўртасидаги мавжуд боғлиқликларга асосланилади. Шу тарика бажарилган Коломийцева тадқиқотининг натижасида ҳам абстрактлик шкаласи тузилган бўлиб, энг абстракт номларга хусусият номлари, ундан кейинги ўринда муносабат номлари, сўнгра ҳаракат номлари ва энг кам абстрактликка эга деб ҳодиса номлари ажратилади. Мазкур тадқиқотда Коломийцева Соколовадан фарқли равишда абстракция даражаларини формал омилга эмас, балки семантик кўрсаткичга асосланиб амалга оширган[7].

Абстракция даражасини белгиловчи шкала яратилишга бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам уринишлар бўлган. Масалан, И.Б.Шатуновский шундай шкалани ишлаб чиқади ва унда энг чекка кутбларда предметликни ва белгини билдирувчи сўзлар жойлашган бўлиб, улар ўртасидаги бир-бирига ўтиш майдонида эса гиперномлар жойлаштирилган. М.Н.Башкуева таснифни лингвистик, экстралингвистик, мантикий-фалсафий

* Ҳақимова М.К. – ТошДўТАУ катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Физик ҳолатни номловчи абстракт сўзларга *ҳаёт, ўлим, соғлиқ, касаллик, қийинчилик, азоб, дард, чанқоқ, ташналик, очлик, чарчоқ, ҳолсизлик, дармонсизлик, кучсизлик, ожизлик* каби номлар киради. Физик ҳолатни номловчи лексемларнинг абстракция даражасидан пастрок.

Инсонни психик ҳолатини номловчи абстракт номларга таасуротлари, ҳаёллари, туйғулари, фикрларини номловчи сўзлар мисол бўла олади. Бу гуруҳга *бахт, қувонч, газаб, шодлик, қайғу, тушкунлик, иродасизлик, бахтиёрлик, бахтсизлик, севинч, ақлсизлик, жиннилик, хурсандчилик* каби номлар мисол бўла олади.

Инсонни психик ҳолатини номловчи сўзлар гуруҳи ичидан эмоционал ҳолатни ифодаладиган номларни алоҳида ажратиш лозимки, бу гуруҳга *ҳайрат, ҳайронлик, хафагарчилик, қатъият, хавотир, газаб, ташвиш* каби эмоцияларни билдирувчи номлар киради.

«Харакат» маъноли абстракт номлар. Мазкур гуруҳни объектнинг динамик белгисини билдирувчи ҳаракат, жараёнларни ифодаловчи абстракт номлар ташкил қилади. Мазкур гуруҳ элементларининг семантик структурасида «харакат», «жараён» маъно бўлаклари мавжуд бўлади. Ушбу гуруҳ бошқа лексик-семантик гуруҳларга нисбатан кичикрок бўлиб, асосан, куйидаги абстракт отлардан таркиб топган: *келишув, мунозара, муҳокама, изланиш, мақтов, қоралов, ўзгартиш, ўлим* каби сўзлардан таркиб топган. Кўриниб турибдики, «харакат» маъноли абстракт номлар кам ҳолларда туб (харакат, жараён, мунозара, муҳокама), асосан, феъллардан ясалган отлардан иборат: *келишув, изланиш, мақтов, қоралов, ўзгартиш, ўлим*.

«Муносабат» маъноли абстракт номлар. Инсоннинг атрофидаги ҳодисаларга, ҳаракатларга,

нарсаларга ва муносабатларга бўлган муносабатини ифодаловчи бу гуруҳга «муносабат» архисемасига эга *дўстлик, муҳаббат, севги, тенглик, тенгсизлик, шафқатсизлик, душманлик, кўра олмаслик, хурмат, нафрат, ишонч, раҳмдиллик* каби сўзлар муносабат маъноли абстракт номлар гуруҳини ташкил қилади. Бу номлар акс эттирган моҳиятларни ҳис қилиш ва англаш орқалигина билиш мумкин. Муносабат номлари абстракциянинг юқори даражасидан бирини англатади ва сезги органлримизга умуан таъсир қилмайди.

«Фаолият» билдирувчи абстракт номлар. Уларга инсоннинг ва унинг аъзоларининг турли фаолиятини номловчи ақл, ҳаё, виждон, онг, тафаккур, ор, ғурур каби сўзлар мисол бўла олади. Лекин ҳар қандай бажарувчисидан ажратилган фаолиятни абстракт ном деб атай олмаймиз.

Этик ва эстетик, диний тушунчаларни ифодаловчи абстракт номлар. Бу гуруҳга *яхшилик, ёмонлик, одиллик, ахлоқ, маданият, мафкура, адолат, истиқлол, эркинлик, хулқ, тақдир, иймон, ҳалоллик, бурч, маъсулият, руҳ, эсон* каби номлар киритилди.

Метатушунчаларни номловчи абстракт номлар: *тушунча, субстанция, модда, нарса, ҳаёт, борлик, макон*.

Демак, абстракт отлар жуда мураккаб семантикалик лексик бирликлар бўлиб, уларни таснифлаш жараёнлари ҳам қийин кечади. Шунинг учун ҳам жаҳон тилшунослигида абстракт отларни таснифлашнинг ягона мезони мавжуд эмас. Мазкур бирликларни бир неча нуқтайи назарлардан категориялаштириш мумкин. Биз мазкур мақолада ўзбек тилидаги абстракт отларни семантик жиҳатдан гуруҳларга ажратишга ҳаракат қилдик.

АДАБИЁТЛАР

1. Бу ўринда белги кенг маънода предметнинг барча атрибутларини ифодалаш учун қўлланмоқда.
2. Комарова А.М. Категориальное соотношение в семантике абстрактных существительных в английском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. -Киев, 1986.
3. Соколова Т.А. Факторы, обуславливающие употребление неопределенного артикля с отвлечёнными существительными в современном английском языке. Дисс. ... канд. филол. наук. -М., 1979. -С.225.
4. Соколова Т.А. Факторы, обуславливающие употребление неопределенного артикля с отвлечёнными существительными в современном английском языке. Дисс. ... канд. филол. наук. -М., 1979. -С.225.
5. Коломийцева О.А. Дискретизация отвлечённых существительных в английском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук /О.А. Коломийцева. -Киев, 1986. -С.24.
6. Чернейко Л.О. Лингво-философский анализ абстрактного имени. -М.:Изд-во МГУ им. Ломоносова, 1997. -С.32.
7. Бу ҳақида қаранг: Золотарёва Т.А. Семантические особенности английских абстрактных существительных, влияющие на употребление артикля: Дис. ... канд. филол. наук. -М., 2003. -С.17.
8. Чернейко Л.О. Лингво-философский анализ абстрактного имени. -М.:Изд-во МГУ им. Ломоносова, 1997. -С.32.
9. Уфимцева А.А. Лексическое значение. Принцип семиологического описания лексики. -Москва: Наука, 1986. -С.134-135.
10. Золотарёва Т.А. Семантические особенности английских абстрактных существительных, влияющие на употребление артикля: Дис. ... канд. филол. наук. -М., 2003. -С.21.
11. Вердиева З.Н. Семантическое поля в современном английском языке. -М.:Высш. школа, 1986. -С.56.